



TOSHKENT DAVLAT  
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG  
DATA

# RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**  
Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

**МУАССИС | FOUNDER**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Tashkent State University of Economics

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD**

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich – т.ф.д., профессор  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

**БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF**

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент  
Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

**БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR**

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент  
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

**МАСЬУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY**

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

**ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:**

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

**ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD**

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.  
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.  
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.  
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.  
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.  
И.М. Алимарданов – и.ф.д., доцент.  
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).  
Проф. Холназар Амонов (Чехия).  
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).  
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).  
Проф. Одиложон Абдураззаков  
(Германия).  
Проф. Эко Шри Маргианти  
(Индонезия).  
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).  
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).  
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).  
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмад Моҳамед Азиз Исмоил  
(Миср)  
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).  
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.  
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.  
Ш.И. Ҳашимходжаев – и.ф.н., доцент.  
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.  
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.  
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),  
профессор.  
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.  
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).  
С.О. Ҳомидов – и.ф.ф.д. (PhD).  
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

## МУНДАРИЖА

<b>Шарипов Конгратбай Аvezimbetovich, Каримова Ширин Зохид қизи</b> ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	6
<b>Eshov Mansur Po'latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna</b> BLOCKCHAIN TEKNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI .....	11
<b>Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли</b> ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БҮЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ .....	19
<b>Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li, Homidov Hamdam Hasan o'g'li</b> IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI .....	26
<b>Акбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмуҳаммад Жаҳонгир ўғли</b> СПОРТ МАРКЕТИНГИННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	33
<b>Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna</b> FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE .....	39
<b>Abdulakhmatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi</b> THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM-SIZED BUSINESS ENTERPRISES .....	43
<b>Абдуллаев Мунис Курбонович, Абдурахмонова Барно</b> РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .....	48
<b>Абидов Абдужаббор Абдухамидович</b> ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ .....	54
<b>Алимов Раимжон Ҳакимович, Шамсиева Ф.М.</b> ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВАСАБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ .....	59
<b>Амирор Лочинбек Файзуллаевич, Аскарова Мавлуда Турабовна</b> СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	65
<b>Ахунова Маърифат Ҳакимовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҶАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	74
<b>Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich</b> MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN .....	78
<b>Бекмуродов Н.Х.</b> ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ .....	82

<b>Davletova Durdona, Buranova Jazira</b>	
DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC .....	86
<b>Дадабаева Раъно Акрамовна</b>	
ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ..	91
<b>Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna</b>	
DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION .....	94
<b>Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўғли</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	100
<b>Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich</b>	
THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION .....	109
<b>Зарипова Мукаддас Джумайёзовна</b>	
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	114
<b>Karimova Shirin Zohid qizi</b>	
ELEKTRON TIJORAT DO'KONLARIDA 3D TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH .....	125
<b>Касимов Азamat Абдукаримович</b>	
САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ .....	129
<b>Кодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С.</b>	
АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ .....	136
<b>Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович</b>	
ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ .....	142
<b>Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich</b>	
RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE .....	147
<b>Мирзакаримова Мухаббатхон Махмуд қизи</b>	
БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ .....	156
<b>Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д.</b>	
ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ .....	167
<b>Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o'g'li</b>	
TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO'RINISHI UCHUN 3D OBEKLTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI .....	172

<b>Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli</b>	
USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING .....	177
<b>Olimov Maksudjon Komiljon ugli</b>	
SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT .	183
<b>Ортиков У.А.</b>	
СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ .....	188
<b>Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима</b>	
ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ .....	193
<b>Паязов Мурод Максудович</b>	
ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	201
<b>Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ .....	207
<b>Рӯзиева Диlobар Исомжоновна</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	214
<b>Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна</b>	
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ .....	219
<b>Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич</b>	
КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида) .....	227
<b>Салайев Расул Шавкатович</b>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ АКТИVLAR МУОМАЛАСИННИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	237
<b>Темиров Абдулазиз Алимжанович</b>	
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҶАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	249
<b>Тўҳсанов Қудратилло Нозимович</b>	
ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҶАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ .....	254
<b>Файзиева Муяссарзода Ханчаровна</b>	
РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ .....	259
<b>Файзулаева Нилуфар Садуллаевна</b>	
ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ .....	268
<b>Хашимова Дилёра Паҳритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи</b>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ .....	272

<b>Хидиров Темур Қаҳрамон ўғли</b>	
СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ .....	278
<b>Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna</b>	
TA'LIMDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING АНАМИYATI .....	285
<b>Хужакулов Хайтмурат Джавлиевич, Аюбжанов Аббас Хасилович</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ....	293
<b>Хакимова Мухаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санақулович</b>	
ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	300
<b>Shermuxamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdijosimovich</b>	
OLIY TA'LIMDA BULUT TEKNOLOGIYALARING IMKONIYATLARI .....	306
<b>Shoaxmedova Nozima Xayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova</b>	
Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna	
SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI ..	311
<b>Юлдашев Абдухаким Абдукаримович</b>	
КИЧИК ЁФ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҶАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ .....	317
<b>Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna</b>	
THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY .....	322
<b>Юлдошев Улугбек Аскар ўғли</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК .....	327
<b>Юсупов Мухиддин Соатович</b>	
УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ .....	334
<b>Юсупов Мансур Махамаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна</b>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	345
<b>Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилюфар Муратжановна</b>	
МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ .....	352
<b>Асадов Жасур Абдужабборович</b>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА .....	361
<b>Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maximov Abbos Sherli o'g'li</b>	
SUN'IY INTELLEKT TEKNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI .....	367
<b>Norboeva Nafisa Erkinovna</b>	
EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS .....	372

## СПОРТ МАРКЕТИНГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Акбаров Нодир Гафурович**

ТДИУ Рақамли иқтисодиёт факультети декани, и.ф.н., доцент

*nodir.akbarov@tsue.uz*

**Вафоев Бобуржон Расулович**

ТДИУ “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси доценти, и.ф.н.

*b.vafoyev@tsue.uz*

**Юсуфжанов Нурмуҳаммад Жаҳонгир ўғли**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги, ММР-51-21 гурӯҳ магистранти

### **Аннотация**

Мақолада спорт маркетингини ривожланниш тенденциялари муҳокама қилинган, спорт маркетинги, спорт саноати ва унинг таркибий қисмларининг мазмуни, спортда рақамли технологиялардан фойдаланиши, спорт мусобақалари пайтида уларнинг ривожланниш истиқболлари таҳлил қилинган. Методологик ёндошувларга таянган ҳолда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида мамлакатимиз спорт соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотларга рақамли маркетингни татбиқ этиши юзасидан амалий янгиликлар ва холосалар келтирилган.

### **Калилси сўзлар**

спорт маркетинги, рақамлаштириши, спорт саноати, рақамли технологиилар, спортдаги маркетинг, спортда маркетинг стратегиялари, маркетингнинг замонавий тенденциялари, спорт маҳсулоти

### **Кириш**

Оммавий тармоқ коммуникациялари ва глобаллашув кечеётган ахборот жамиятининг замонавий шароитларида инсон фаолиятининг барча жабхаларида, айниқса, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, тиббиёт, спорт ва таълим соҳаларида қўлланиладиган рақамли технологииларни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг мухим йўналишига айланиб бормоқда. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш даражасида рақамли технологиилардан фойдаланиш жараёни, биринчи навбатда, фаолиятдаги асосий функцияларнинг рақамли трансформациясини, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарувда янги рақамли операцион ва бизнес моделларига ўтишни ўз ичига олади.

Рақамлаштириш масалалари спорт саноатида, айниқса, спорт маркетингида жуда катта аҳамиятга эга. Сўнгти вақтларда бу соҳада илгари ҳеч ким назарда тутмаган тенденциялар пайдо бўлиб бормоқда. Рақамли маркетинг замонавий спорт клуби ёки федерацияси фаолиятининг асосий таркибий қисмидир. Саноат тез ўзгариб бормоқда ва қўплаб спорт раҳбарлари ўз мухлисларини жалб қилишнинг инновацион усулларидан фойдаланиб, рақамли фаолиятнинг кенг доираси орқали қўплаб даромад оқимларини яратмоқдалар.

Спорт дунёси, бир томондан, жаҳон технологик ва медиа трендлари таъсири остида ўзгарса, бошқа томондан, тараққиёт бозорнинг ўзида янги мамлакатларнинг иштироқи, ҳомийлар бюджетининг ўсиши ва киберспорт каби янги спорт форматларининг ривожланиши билан содир бўлади.

Рақамли давр спорт ташкилотларида маркетинг мутахассисларидан жуда кўп нарсани талаб қиласди. Спорт маркетингининг барча жиҳатларини амалий томондан тўлиқ ўрганиш деярли мумкин эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, спорт маркетингининг замонавий тенденцияларини ёритиб ўтиш жоиз.

## **Адабиётлар таҳлили**

Спорт маркетинги концепцияси катта эхтимоллик билан ўз-ўзидан пайдо бўлди, бунинг асосий сабаби узоқ вақт давомида спорт нотижорат соҳа эканлиги ва бозор тамойиллари бу соҳада ишламаслиги эди. Замонавий спорт маркетингининг асосчиси Патрик Нейли бўлиб, у 1970 йилларда турли спорт мусобақалари учун ҳомийлар излаш билан шуғулланган [1].

Махсус нашрларда, кундалик муроҷотларда “спорт маркетинги” ва “спордаги маркетинг” тушунчалари қўпинча чалкаштириб юборилади. Булар турли хил тушунчалар бўлиб, уларни аниқ ажратиб кўрсатиш лозим. Спордаги маркетинг (marketing through sport) бошқа соҳаларда аллақачон маълум ва тасдиқланган маркетинг воситаларини мослаштиришни англатади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, анъанавий маркетинг усуслари спорт соҳасига қўлланилиши жуда паст натижаларга олиб келади, шунинг учун бугунги кунда бу истиқболли йўналиш эмас.

Спорт маркетингини маркетинг фаолиятининг алоҳида йўналиши ва мустақил амалий фан деб ҳисоблаш мумкин. Умумий маркетинг тамойиллари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, у бошқа соҳалардаги маркетингдан жуда кўп фарқларга эга. Спорт маркетинги – бу ўзгарувчан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган мухитда спорт мижозлари, спорт соҳасида фаолият юритувчи компаниилар, спорт билан боғлиқ бошқа шахслар ва ташкилотларнинг бевосита ва билвосита муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш имкониятларини доимий равишда излашдир [4].

Спорт маркетинги спорт тадбирлари ва жамоаларини тарғиб қилишга, шунингдек, спорт тадбирлари ва жамоалар орқали бошқа маҳсулот ва хизматларни илгари суришга қаратилган маркетинг бўлимиmdir [2]. Шу билан бир қаторда, спорт маркетинги – натижаси номаълум бўлган мусобақалар ташкил этишининг узлуксиз жараёни бўлиб, спорт маҳсулотлари истеъмолчилари, спорт саноати корхоналари ва бошқа манфаатдор шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларнинг бевосита ва билвосита мақсадларига бир вақтнинг ўзида эришиш учун имкониятлар яратиш ҳисобланади [3]. А.В.Малыгин фикрига кўра, спорт маркетингининг асосий обьектлари спорт маҳсулотлари: тадбирлар, товарлар, хизматлар (машғулот, меҳмондўстлик, ижара), маълумотлар, лойиҳалар, шахслар (спорчилар, мураббийлар, менежерлар), спорт иншоотлари, хуқуқлар (төлевизион, лицензиялаш, трансфер), шунингдек, мақсадли аудитория ҳисобланади [8]. В.В.Галкиннинг фикрича, спорт маркетинги умумий маркетингининг таркибий қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, мухлислар, ҳомийлар, спортчиларни сотиш ва сотиб олиш, оммавий спорт, спорт бизнеси, соглом турмуш тарзи ҳамда шу каби махсус обьектлар ва муносабатлар спорт маркетинги қамров доирасига киради [9].

Кўриниб турибдики, аксарият муаллифлар спорт маркетинги тушунчасини фақат спорт тадбирлари билан боғлайдилар. Бироқ, спорт маркетинг воситаларини кенгрок қўламда тушуниш лозим. Спорт маркетингининг мавжуд моделлари ҳам буни фақат бир томондан кўриб чиқади. Масалан, Дж.Бич спорт клублари фаолиятига нисбатан маркетингни стратегик режалаштиришнинг беш босқичли моделини беради. Я.Ирвин спортда уч даражали содиқлик схемасини таклиф қиласди, унинг асосий обьекти ҳомий ҳисобланади. У.Шрам спорт клуби ҳамда мухлислар ўртасидаги маркетинг хабарларини ҳисобга олган ҳолда спортда интеграциялашган маркетинг коммуникациялари жараёни моделини таклиф қиласди [3].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, спорт маркетинги бир қатор аниқ вазифаларни бажаради:

- ✓ томошабин ва мухлисларни воқеалар ривожига қизиқтириш, унга таъсир этадиган манзарани тақдим этиш, уни ҳиссий ҳамдардликка ундаш;
- ✓ оммавий ахборот воситаларини нафақат хабардор қилиш, балки уларни маълум бир жамоа тарафини олиш, алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўз фикрларини билдириш ва баҳсласишишга ундаш;
- ✓ профессионал клуб (жамоа) бренди ва ҳомий сифатида спорт жараёнларида иштирок этувчи ишлаб чиқарувчи бренд ўртасида ассоциатив алоқани яратиш;
- ✓ спорт тадбирларидан ҳомийлар ва клуб (федерация) учун фойда олиш [7].

## **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг спорт маркетинги ва бу соҳада рақамли технологияларни кенг татбиқ қилиш ва ривожлантириш бўйича илмий ғоялари, назарий-амалий қарашлари, соҳа бўйича етакчи компанияларнинг амалий тажрибалари хизмат қилди. Бундан ташқари, тадқиқот жараённада мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуслардан кенг фойдаланилган. Мавжуд методологик ёндошувларга таянган ҳолда ривожланган

хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган, мамлакатимиз спорт соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотларга татбиқ этиш юзасидан амалий янгиликлар ва хулосалардан кенг фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар

**OTT (Over the Top) контенти.** ОТТ контентлариға классик намуна сифатида Netflix, Amazon Prime ёки Facebookни келтириб ўтиш мумкин. ОТТ "чўққидан юкорида" маъносини билдириб, қандайдир курилмага боғлиқ бўлмаган ҳолда контентни қабул қилиш мумкинлигини англатади. Бунинг спортга боғлиқлиги хусусида тўхтадиган бўлсақ, Facebook ёки Amazon каби платформалар ўн йиллардан буён таниқли бўлганлиги сабабли спорт ҳукуклари бозорини тубдан ўзгартириб келмоқда. Масалан, Испаниянинг энг юқори даражадаги профессионал футбол лигаси бўлган Primera Division Ҳиндистонда фақатгина Facebookда ишлайди. Ҳатто, Twitterнинг қисқа янгиликлар хизмати ҳам спорт ҳукуклари билан шуғулланади. Илгари футбол кўриш учун телевизорни ёқишга эҳтиёж мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда эса, тўғридан-тўғри трансляция қилинаётган спорт кўрсатувларини исталган жойда ва исталган қурилмада томоша қилиш мумкин.

Ҳатто, баъзи оммавий бўлмаган спорт турлари ҳам маълумотларни оқимли узатиш имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Икки йил давомида 30 млн. АҚШ доллари тўлаш орқали Facebook Бутун жаҳон серфинг лигаси ҳукукини кафолатлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, серфинг рақамли мақсадли гурухлар учун идеал спорт тури ҳисобланади.

Интернет орқали рақобатлашиш анъанавий медиа-компаниялар учун қийинчилик ва муаммолар тұғдирали. Шу билан бирга, платформалар яна бир мухим афзалликка эга: улар ўз фойдаланувчиларининг профилларини яратадилар, шунинг учун контентни ким ва қачон кўришини аниқ билишади ҳамда шу орқали мақсадли рекламаларни амалга оширишлари мумкин. Бундай маълумотлар базалари спорт маркетингини янги босқичга олиб чиқишига замин яратади. Спорт ташкилотлари яна бир мухим устуворликка эга: у ҳам бўлса Amazon. Amazonда ҳеч кимда бўлмаган дунёдаги энг йирик интернет-дўкон мавжуд. Демак, ҳар қандай контентни тўғридан-тўғри ишлатиши мумкин.

Спорт маркетологлари кўпроқ мижозларни жалб қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган усуллардан бири – машхур спорт арбоблари билан жозибали контент яратишdir. Спорт мухлислари доимий равища ўз дўстлари билан контент алмашишади, бу эса мақсадли аудиториянгиз биладиган одамлар тармоғига уланиш мумкинлигини англатади. Мухлисларнинг ярмидан кўпи ўзларининг севимли жамоаларини ижтимоий тармоқларда кузатиб борадилар, шунинг учун улар ҳам мижозлар базасини рақамли равища олиб бориш мумкин.

Спорт маркетинги истеъмолчига эришиш учун турли хил воситалар комбинациясидан фойдаланиши талаб қиласи. Одамлар телевизорда спорт мусобақаларини томоша қиласи, мобил қурилмалар орқали натижаларни текширади, жонли спорт тадбирларида қатнашади, радиода спорт эшиттиришларини тинглайди, газеталарда ва онлайн нашрларда спорт ҳакида ўқыйди. Турли хил савдо нуқталарининг бу кесишимаси фаолият ўйналишларининг турли хил усуллари мавжудлигини англатади. Шуни эътиборга олиш керакки, Google мобил қурилмалар учун қидирув трафигининг қарийб 96 %ини таъминлайди ва спорт ишқибозларининг қарийб 47 %и ўйин вақтида Facebookни текшириш учун мобил қурилмалардан фойдаланадилар.

**Сунъий интеллект (Artificial intelligence - AI).** Бугунги кунда сунъий интеллект дунёни ўзгартириш имкониятига эга ва бунга шубҳа ҳам йўқ. Аммо бунинг учун учта нарса зарур: маълумот, маълумот ва яна маълумот. Шу билан бирга тезкор Интернет алоқаси ҳам талаб этилади.

Чат-ботлар – бу спорт маркетинги учун сунъий интеллектни ўзида акс эттириш шаклидир. Арсенал ФК GameOn мутахассислари билан биргаликда Facebook Messenger, Skype, Slack, Kik ва Telegram орқали мухлислар билан алоқа ўрнатиши таъминлайдиган Robot Pires деб номланган чат-бот ишлаб чиқди. Бу ном клубнинг афсонавий футболчиси Роберт Пирес номидан олинган бўлиб, фойдаланувчиларга клубнинг натижалари, статистикаси, янгиликлари ва қисман эксклюзив видеоларини оддий тилда тақдим этишга мўлжалланган.

Спорт маркетингида чат-ботлардан фойдаланиш бир қатор устуворликлар тақдим этади:

- кўнгилочар ва ақлли чат-бот янги мақсадли гурухларни қамраб олиши ва ноодатий контентни тақдим этиши орқали мухлисларнинг содиклигини кучайтириши мумкин;
- спорт ташкилотлари ёки клублари ўзларини инновацион фикрлаш соҳасида етакчи сифатида намоён этиши орқали ўз брендларини B2B сегментида мустаҳкамлаб борадилар;
- чат-ботлар мухлислар ёки мижозларнинг хоҳиш-истаклари тўғрисида мухим кўрсатма бера оладиган маълумотларни тўплашга хизмат қиласи.

Бирок, бугунги кунда спорт маркетинги учун сунъий интеллектга сармоя ва инвестиция тикиш қанчалик ўзини оқлаши ноаниқлигича қолмоқда. Демак, Арсенал ФК чат-ботини тажриба сифатида ишлаб чиқилган тизим сифатида тушуниш лозим.

**Виртуал, кенгайтирилган ва аралаш борлик.** Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда виртуал борлик (Virtual reality – VR), кенгайтирилган борлик (Augmented reality – AR) ва аралаш борлик (Mixed Reality – MR) соҳасидаги ютуқлар мухам аҳамият касб этади. Илгари VR ва AR қиммат ва нокулай бўлган бўлса, бугунги кунда асосий эътибор уларнинг афзаллilikларига қаратилган.

Интернет-магазинлар юқори қийматга эга бўлган ҳар бир харид нархи (Cost Per Action – CPA) билан курашишлари лозим, чунки бепул етказиб бериш хизмати салбий ҳатти-харакатлар моделининг пайдо бўлишига олиб келди, яъни мижозлар ҳар бир товардан уч хил ўлчам ва рангда буюртма беришади, уйда ҳамма нарсани синааб кўришади ва охир-оқибат факат биттасини олишади, қолганларини қайтаришади.

Масалан, кенгайтирилган борликдан (AR) фойдаланган ҳолда спорт поябзалларини деярли олдиндан виртуал тарзда синааб кўриш мумкин. Кўзойнак ёки смартфон орқали харидорлар поябзалнинг оёкларида қандай туришини кўришлари мумкин ва натижада маҳсулотни аникроқ танлайдилар.

**Кийиладиган қурилмалар.** Кийиладиган қурилмалар бозори ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бутун спорт саноатининг мухим йўналишларидан бирига айланаб улгурди, яъни “кийиладиган қурилмалар – спорт саноатида устувор йўналиш”га айланди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2021 йил якунида кийиладиган қурилмаларнинг глобал савдоси 95 млрд. АҚШ долларидан ошди. Ўзини-ўзи боғлайдиган Hyperadapt поябзали билан Nike компанияси келажак маҳсулот намунасини яратди. Спорт маркетинги мутахассисларининг тахминларига қараганда, сўнгти йилларда Digitsole каби ақлли пойабзал тагликларига катта эътибор қаратилади.

**Киберспорт.** Спорт маркетинги соҳасида фаолият олиб борадиган мутахассислар киберспортни жиддий қабул қилишлари лозим. 2021 йилда дунё бўйлаб киберспорт билан шуғулланувчилар сони 250 миллиондан ошди, яқин кунларда бу кўрсаткич 300 миллионга етиши кутилмоқда. Сўнгти вақтларда киберспорт ҳам бошқа спорт турлари сингари ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Бу орқали яна бир ижобий ўзгаришни, яъни технологик конференциялар ўтказиш учун спорт майдончалари пайдо бўлишини кўриш мумкин.

ESPN тез-тез машҳур киберспорт мусобақаларини ташкил этиб, Facebook, YouTube ёки Twitch орқали жонли трансляция қилиб боради. 2017 йилда киберспортдан олинган умумий даромад 696 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 1,5 млрд. АҚШ долларига етди.

Машҳур спортчилар ва брендлар киберспорт жамоалари, ўйинчилари, турнирлари ва лигалари билан ҳамкорлик қилишни бошлаб юборишган. Масалан:

- Overwatch League спортнинг энг муваффакиятли инвесторлари томонидан сармоя киритиш орқали илк бор глобал шаҳар киберспорт мусобақаси учун 12 та жамоани қайд этди;
- Riot NBA жамоаси эгалари инвестицияларига асосланган жамоалар учун франчайзинг моделини тақдим этди;
- Intel Extreme Masters ўз турнирини Польшада 173000 мухлис иштироқида ўтказди ва бу киберспорт тарихидаги энг йирик жонли тадбиррга айланди;
- Blizzard компанияси Blizzard Arena деб номланган маҳсус киберспорт стадионини очди;
- League of Legends Жаҳон чемпионати 60 миллионга яқин онлайн томошабинларни тўплади.

**Яширин ижтимоий тармоқлар.** Яширин ижтимоий тармоқлар веб-сайтларнинг барча трафикларига тегишли бўлиб, уларни аниқ белгилаш имконияти мавжуд эмас. Дунё бўйлаб трафикнинг 80 фоизидан кўпроғи Dark Social компаниясига тўғри келади. Бундай трафик фойдаланувчилар бир-бирларига WhatsApp, Instagram ёки электрон почта орқали ҳаволаларни юбориш пайтида юзага келади. Сўнгра таҳлил воситаларига ҳаддан зиёд ортиқча юкламалар пайдо бўлади. Таҳлил қилиб бўлмайдиган маълумотни маркетингда ҳам фойдаланиб бўлмайди.

Adidas ушбу ҳодисани имконият сифатида қабул қилди ва Adidas Tango Squads билан Dark Social кампаниясини илгари сурди. Танлаб олинган ва маълум бир таъсирга эга бўлган шахсларга энг зўр маҳсулотлар тақдим этилди ва тадбирларга таклиф қилинди. Кейинчалик маълумот тарқатиш асосан хабар алмashiш хизматлари ва ижтимоий гуруҳлар орқали амалга оширилди.

18-29 ёшли инсонларнинг қарийб 60 фоизи ижтимоий тармоқлар орқали хоккей ўйинини томоша қилишга қизиқади. 83% спорт ишқибозлари ўйинни томоша қилаётганда ижтимоий тармоқлардан

фойдаланиши, ижтимоий тармоқдаги контентта вақт ажратиш учун ажойиб имконият мавжудлигини аңглатади.

**Барқарорлик.** Ҳозирги кунда барқарор ривожланиш ва спорт бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Маҳсулотларнинг 80 фоизи ҳис-туйғу, 20 фоизи эса функционал сабабларга кўра сотиб олинади. Шунинг учун, спорт маркетинги фаолияти харидорларни ўзларини яхши иш қилгандай ҳис этишларига кўпроқ йўналтирилмоқда.

Қайта ишланган пластмассадан тайёрланган куртка ёки спорт поябзали экологик тоза спорт маҳсулотларининг яхши намунасиdir. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тенденцияси шу даражага етдики, югуриш пайтида ахлат йигиши жиддий ҳаракатга айланди. Буюк Британияда “яхши спорт зал” тушунчаси кенг тарқалди. Гап шундаки, югуриш пайтида яхшилик қилиш, масалан, орқага қайтиш жараёнида қўшни учун нимадир харид қилиш тадбири ташкил қилинди.

### **Хуоса ва таклифлар**

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, спорт маркетинги замонавий инсон ва умуман жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъсир кўрсатадиган кенг ва долзарб тушунча ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, спорт маркетингининг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Асосий фаолият – юқори сифатли спорт маҳсулотини шакллантириш ҳисобланади. Спорт маҳсулоти деганда, мълум бир жойда ва аниқ нархда муҳлислар ва томошабинлар эҳтиёжларини қондирадиган спорт мусобақалари, тадбирлари, товарлари ёки хизматлари тушунилиши керак.

2. Спорт маркетингининг асосий вазифаси – олдиндан айтиб бўлмайдиган спорт мусобақалари натижаларини ҳамда ёрқин таассурот ва ҳиссиётларни сотишидир.

3. Спорт маҳсулотининг муҳим элементи кўп сонли истеъмолчилар томонидан умумий кувончни ҳис қиладиган муҳитни яратишидир.

4. Спортда истеъмол тушунчаси иррационал хусусиятга эга, чунки унга ижтимоий-маданий омиллар кучли таъсир кўрсатади (муҳлисларнинг ўз жамоаларига содиқлиги, референт гуруҳларнинг таъсiri).

5. Ҳомийлик ва ҳомий брендини қўллаб-қувватлаш (эндорсмент) спорт маркетингида муҳим рол ўйнайди.

6. Спорт мусобақаларига тайёргарлик қўриш самарадорлиги ва уларни ўтказиш жараёнида эришилган ютуқлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш зарур бўлганлиги сабабли, спортнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда қийинчиликлар мавжуд.

7. Спорт ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қиладилар, чунки улар спорт тадбири доирасида ҳаяжонли ва қизиқарли жараёнларни акс эттиришга кодир, бу эса ҳомийлар ва ҳомий брендини қўллаб-қувватлайдиганларни (эндорсер) топишга ёрдам беради.

Спорт маркетингида муваффакият қозониш учун ҳар доим атрофда нималар бўлаётганини билиш муҳим ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, қайд этиб ўтилган барча имкониятлар асосий ўйналишга айланиб бормоқда, яъни келтирилган спорт маркетинг тенденцияларини кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Явленин И. Спортивный маркетинг. [Электронный ресурс] URL: <http://www.marketing.spb.ru/lib-special/branch/sport.htm>.
2. Особенности маркетинга в спорте: учеб. пособие / Д.А.Обожина; М-во образования и науки Рос.Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. - 75 с.
3. Маркетинг спорта / под ред. Дж. Бича и С.Чедвика; пер. с англ. – 4-е изд. - М.: Альпина Паблишерз, 2017. - 706 с.
4. Dobson S., Goddard J. The Economics of Football. Cambridge University Press, 2001.
5. Галкин В.В. Экономика спорта и спортивный бизнес / В.В.Галкин. – Москва : Кнорус, 2016. – 320 с.
6. Маркетинг в физической культуре и спорте. Составитель: к.э.н., доц. Ангелова О.Ю. Учебно-методическое пособие. - Новгород: Нижегородский государственный университет, 2014 г. - 86 с.
7. Ювко А.А. Стратегия развития спортивного маркетинга в современных условиях. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук (Специальность 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством (по отраслям сферы деятельности, в т.ч.: маркетинг)). – Д.: 2020. - 180 с.

8. Малыгин А.В. Введение в спортивный маркетинг. Вестник Российского международного олимпийского университета, 2012. - № 1 (2), - С. 32-46.
9. Галкин В.В. Экономика спорта и спортивный бизнес: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. - 320 с.
10. Степанова О.Н. Концепция маркетинга в сфере физической культуры и спорта / О.Н.Степанова // Маркетинг. – 2017. – № 6. – С. 75.
11. Марченко В.Н. Тенденции развития олимпийского маркетинга. / В.Н.Марченко, А.В.Нияскина, В.Р.Шилова // Молодой ученый. – 2014. – № 8. – С. 532–534.
12. Барышников К.С. Интернет-маркетинг - новый инструмент бизнеса / К.С.Барышников // Пути повышения эффективности управленческой деятельности органов государственной власти в контексте социально-экономического развития территорий: матер. III Междунар. науч.-практ. конф., 6-7 июня 2019 г. – Донецк: ДонАУиГС, 2019. – С.14-16.





**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY**

**Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal**

*Muharrir*

***Yaxshiyev H.T.***

*Musahhih va dizayner*

***Matxo'jayev A.O.***

*Texnik muharrir*

***Mirzayev J.O.***

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.

Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.

Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.

«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.  
100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



📞 +998 71 239-28-41  
 🌐 <http://dgeconomy.tsue.uz/>  
✉️ dgeconomy\_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz  
📍 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



**COLORPACK**  
время ярких решений